

Ғийбатнинг зарарлари (8-қисм)



20:45 / 21.04.2018 4058

Ўн учинчи зарар: охиратда маймунга айланиш.

Бу борада Ҳотимул Асам раҳимаҳуллоҳнинг «Ғийбатчи дўзахда маймун бўлади» деган сўзи юқорида «Нузҳатул мажолис»дан нақл этилган ҳолда келтирилди.

Ўн тўртинчи зарар: қабр азобининг кўп бўлиши.

Бу ҳақда юқорида Қатода розияллоху анҳунинг «Қабр азобининг учдан бир қисми ғийбат сабабидан бўлади» деган гапи нақл этилди.

Ўн бешинчи зарар: мунофиқлик сифатининг пайдо бўлиши, мунофиққа ўхшаб қолиш.

Бу ҳам юқорида зикр этилди. Ҳажжожни ёмонлаб ғийбат қилаётган бир кишини кўрган Ибн Умар розияллоҳу анҳумо унга: «Ҳажжож ҳозир шу ерда бўлса ҳам шу айтган гапларингни айта олармидинг?» дедилар. У: «Йўқ», деди. Шунда Ибн Умар розияллоҳу анҳумо: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида буни, яъни кишининг олдида айта олмаган гапни унинг ортидан гапиришни мунофиқлик деб санар эдик», дедилар.^[1]

Ўн олтинчи зарар: ишонч ва эътиборнинг қолмаслиги.

Ғийбатчига одамлар қошида ишонч йўқолади. Улар: «Бу фалончини бизга ёмонлаганидек, бизни ҳам бошқаларга ёмонлайди», деб биладилар. Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтганидек:

Ҳар он кас барад номи мардум ба ор,

Ту чашми накуғйи аз вай мадор.

Ки андар қафойи ту гўяд ҳамон,

Ки пеши ту гуфт аз паси мардумон.

Назмий маъноси:

Ҳар кишиким одамларни ёмонлаб эслар,

Ул кимсадан умид қилма сен яхши сўзлар.

Ўзгаларнинг орқасидан сенга неки дер,

Билки, сенинг гўштингни ҳам у бемалол ер.

Насрий баёни: Одамларнинг номини ёмонлик билан зикр қиладиган кишидан яхши гап кутмагин (умид қилмагин). У сенинг ёнингда одамлар ортидан нима деган бўлса, сенинг ортингдан ҳам ўшани айтади.

Ҳикоя. Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтади:

Забон кард шахсе ба ғийбат дароз,

Бадугуфт донандаи сарфароз.

Ки ёди касон пеши ман бад макун,

Маро бадгумон дар ҳақи худ макун.

Назмий маъноси:

Бир кимса ғийбатга узатганди тил,
Улуғвор, доно зот деди унга: «Бил,
Менга одамларни кўрсатма ёмон,
Ўз ҳақингда мени қилма бадгумон».

Насрий баёни: *Обрўси баланд доно бир зот ғийбатга тилини чўзган бир кишига шундай деди: «Кишиларни ёмон ҳолда ёд этиш орқали мени ўзинг ҳақингда ёмон гумонга олиб бормагин».*

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

[\[1\]](#) «Иҳёу улумид-дин».